



УДК: 811.512.133

Хуриида ҚОДИРОВА,

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

E-mail: godirova@navoiy-uni.uz

Чарос АБДУЛЛАЕВА,

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Маданиятлараро мулоқот ва туризм кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: charos82@list.ru

CLASSIFICATION OF DYSPHEMISTIC UNITS BY STRUCTURE

Abstract

The given article discusses the proficiency of using dysphemisms written by Abdullah Kadyri. Authors explain the structure of form of these units and prove their discrepancy and similarity with euphemistic units. It is indicated and analyzed the rareness of dysphemistic units from euphemisms in the thematic field, when categorizing them it is considered research on euphemism. The classification was based on several Uzbek language works, and dysphemism is mentioned only when euphemism is discussed. According to the authors, it was not indispensable to examine such units because of speech norms, speech culture, and lexical criteria of the Uzbek language. Authors conclude that the dysphemisms applied in Abdullah Kadyri's speech can be of various forms in terms of structure, including units related to both lexical and syntactic linguistics.

Keywords: euphemism, dysphemism, word, word combination, sentence, lexical level, syntactic level, image, skill, form.

КЛАССИФИКАЦИЯ ДИСФЕМИСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ПО СТРУКТУРЕ ФОРМЫ

Аннотация

В этой статье говорится о мастерстве использования дисфемизмов писателя Абдуллы Кадыри. Авторы статьи высказывая о структуре формы этих единиц, обосновывает их различие и сходство с эвфемистическими единицами. Указывается и проанализируется редкость дисфемистических единиц от эвфемизмов в сфере тематики, при классификации их полагается исследованиям по эвфемизму. Классификация разработана нескольких работах узбекского языка, а о дисфемизме упоминается только тогда когда говорится об эвфемизме. Причиной этого, по мнению авторов, не было необходимости изучать таких единиц из-за побуждений речевых норм, культуры речи, лексических критерий узбекского языка. Авторы делают выводы, что использованные дисфемизмы в речи Абдуллы Кадыри по структуре могут быть разной формы, среди них встречаются единицы касающиеся и в лексическом, и в синтаксическом уровне языкознания.

Ключевые слова: эвфемизм, дисфемизм, слово, словосочетание, предложение, лексический уровень, синтаксический уровень, образ, мастерство, форма.

ДИСФЕМИК БИРЛИКЛАРНИНГ ШАКЛИЙ СТРУКТУРАСИГА КЎРА ТАСНИФИ

Аннотация

Мазкур мақолада адиб Абдулла Қодирийнинг дисфемик кўчимли воситалардан фойдаланиш муҳорати хусусида сўз боради. Бу бирликларнинг шаклий структурасига кўра таснифига батафсил тўхталаниб, эвфемик бирликлар билан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари асослаб берилди. Дисфемик бирликларнинг мавзуй жиҳатдан камрови эвфемизмларга нисбатан камлиги, тасниф борасида эвфемизмлар устида бажарилган тадқиқотларга таянилганлиги муаллиф томонидан таъкидланади ва таҳлилга тортилади. Бу тасниф ўзбек тилида айрим ишлардагина амалга оширилганлиги, унинг фақат эвфемизм хусусида сўз борганда йўл-йўлакай тилга олиниб кетилганлиги нуткий меъёр, нуткий маданият, лисоний мезонлар нуктаи назаридан уни ўрганишга эҳтиёж сезилмаганлиги билан белгиланиши ҳақида фикр юритилади. Муаллифлар хулоса қилиб, Қодирий нуткида қўлланган дисфемизмлар шаклан хилма-хил бўлишини, улар сирасида лексик сатҳга мансуб бирликлар билан биргаликда, синтактик сатҳга дахлдорлари ҳам учрашини кўрсатиб беради.

Калит сўзлар: эвфемизм, дисфемизм, сўз, бирикма, гап, лексик сатҳ, синтактик сатҳ, образ, маҳорат, шакл.

Кириш. Абдулла Қодирий истеъдоди, ўз сўзи билан айтганда, гарчи «тартиблик мактаб кўрмаган» бўлса-да, маънавий жасорати билан халқимиз маданияти, адабиёти тарихида ёрқин из қолдирди, кўп асрлик миллий адабиётимиз равнақида улкан бурилиш ясади, бадиий сўз санъати ривожига янги босқични бошлаб берган тенгсиз асарлар яратди. Биргина «Ўткан кунлар» романи халқимиз миллий тафаккури ва эстетик диди ривожига шундай из қолдирдики, ундаги ҳар бир образ ўзбек халқининг «ўз кишиси», севимли миллий қаҳрамони сифатида бениҳоя қадрли бўлиб, қайта-қайта ўқиш, такрор таҳлил қилиш эса ҳар бир китобхон ва қалам аҳли учун қизиқарли машғулот бўлиб қолмоқда.

Эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар, асосан нутқий ҳодиса бўлганлиги сабабли, адиблар нутқида индивидуал ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунинг учун сўз санъаткорларининг асарларида қўлланган бундай эвфемик ва дисфемик маъноли бирликларни индивидуал нутқнинг таркибий қисми сифатида махсус тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбек замонавий насри дарғаси, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий асарлари тили бўйича бирмунча ишлар қилинган бўлса-да[1], бадиий нутқида салмоқли ўрин тутадиган эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар, ёзувчининг улардан фойдаланиш маҳорати махсус текшириш объекти бўлмаган.

Маълум бўладиги, эвфемизм ўзбек тилшунослигида дисфемизмга нисбатан кенгрок ўрганилган бўлиб, бугунги кунга қадар кўплаб олимлар томонидан эвфемизмнинг нутқий қатлам сифатидаги хусусиятлари системали тадқиқ этилган. Дисфемизмга О.С.Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” луғатида қисқача изоҳ бериб кетилади[2].

Асосий қисм. Дисфемизмнинг бу қадар кам ўрганилганлиги, унинг фақат эвфемизм хусусида сўз борганда йўл-йўлакай тилга олиниб кетилганлиги нутқий меъёр, нутқий маданият, лисоний мезонлар нуктаи назаридан уни ўрганишга эҳтиёж сезилмаганлиги билан белгиланади. Дисфемизмлар таснифи тилшунослик соҳасида айрим ишлардагина амалга оширилган. Масалан, инглиз тилида дисфемизм лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилинади: ўлим, касаллик, жисмоний ва маънавий нуқсонларни билдириб келувчи дисфемизмлар; кенг доирадаги жиноий гуруҳлар билан боғлиқ дисфемизмлар; инсон нуқсонлари билан боғлиқ дисфемизмлар; миллатга мансуб дисфемик номлар; худо, иблис (шайтон), черков маросимлари билан боғлиқ дисфемизмлар[3].

Дисфемизм – денотат баҳосига муносабатнинг салбий томонга кетиши билан боғлиқ прагматик ҳодиса. Дисфемизм эвфемизм билан муносабатдош бўлганлиги сабабли уларнинг таснифида ҳам эвфемизмлар таснифидаги айрим белгилар таянч бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқ давомида ёзувчи асарларида эвфемизмларга нисбатан дисфемизмлар кам

эканлиги аниқланди ва шу жиҳатдан унинг мавзуий гуруҳлари доираси ҳам асосан сўқиш, ҳақорат, қарғиш, киноя, масҳара тушунчаларини ифодаловчи бирликлар билан чегараланди: 1) сўқиш ва ҳақоратни ифодаловчи дисфемизмлар: «акли қисқа», акли тушдан кейин қирган, ит эмган, ит, итбачча, итланиш, ит-мушук; 2) қарғиш англатувчи дисфемизмлар: аптидан бузилсин, жойи жаҳаннамдан белгиланадир, икки юзи қаро бўлсин, ҳаром қотсин, гўрсўхта; 3) масҳара, киноя англатувчи дисфемизмлар: кўтир итнинг кейинги оёғи, бўғоз.

Абдулла Қодирий асарларидаги дисфемик маъноли бирликлар ўзаро лексик-семантик муносабат ҳам ҳосил қилади. Улар сирасида контекстуал маънодошлик, зид маънолилик ҳолатлари кузатилади: 1) маънодош дисфемизмлар: «адолатпаноҳ», «соябони марҳамат», «хузури муборак» «жаноби олий»; 2) зид маъноли дисфемизмлар: эркак, урғочи, бўғоз, қисир.

Дисфемизмлар маъновий кўлами жиҳатидан ҳам фаркланади. Шунга кўра, дисфемизмлар моносемантик ва полисемантик турларга бўлинади: 1) моносемантик дисфемизмлар: пўкак бош, сакибедум, тўнғизхона, кўтир итнинг кейинги оёғи, итдек қирган, бола ташлар эди; 2) полисемантик дисфемизмлар: хумса 1 (лапашанг), хумса 2 (ҳезалак). Полисемантик дисфемизмлар тизими ўз ичида яна турларга бўлинади: 1) метафорик дисфемизмлар: нортуйдек, тош-метин; 2) метонимик дисфемизмлар: чўчка (шахс); 3) синекдохик дисфемизмлар: кўзи чиксин, соқолинг кўксинга тўкилсин (ўлсин); 4) вазифадошлик асосидаги дисфемизмлар: шунғия.

Абдулла Қодирий бадиий нутқида қўлланган дисфемик бирликлар шаклий структурасига кўра ҳам фаркланади. Баъзан айрим сўз, баъзан бирикма, баъзан гап дисфемик маъно ифодалайди. Шунга кўра, сўз, сўз бирикмаси, гап шаклидаги дисфемик маъноли бирликлар фаркланади.

Сўз шаклидаги дисфемик бирликлар. Адибнинг сўз шаклидаги дисфемик маъноли бирликларининг ҳам аксарияти юқорида айтганимиздек ҳақорат, қарғиш шаклида. Бенаво, маймунлик, мочахар, муттаҳам, ошҳарами, пес, сакибедум, синглиталоқ, тирранча, тўнғизхона, ханнос, хумпар, чўчка, шайтонхона, шунғия, қакшағир, хез қаби бирликлар шулар жумласидандир. Айримлари Абдулла Қодирий услубига хос бўлган мавжуд тушунчанинг янгича ифода тусига эга. Масалан, халқ тилида мавжуд бўлган занталоқ форс лексик бирлигининг адиб асаридагина учрайдиган синглиталоқ вариантини кўришимиз мумкин: Сафар бўзчи Маматқулни тўхтатиб сўради: – Ўша қим, ўша? – Ўша-да, мулла эмас, синглиталоқ-да... Ўзингиз ҳам сўрай беради экансиз-да!... (МЧ – 172) Бирок зан форсчада сингил дегани эмас, балки хотин экан, Абдулла Қодирий бунинг янада салбий таъсирини ошириш мақсадида

хотиндан ҳам яқинроқ кишиси бўлиши синглисининг талоқ бўлишига ишора қилиб, шу бирликдан ўринли фойдаланади.

Адибнинг форс тили лексик бирликларидан фойдаланганини кўп ўринларда кўришимиз мумкин. Унинг ит сўзи атрофида ишлатган дисфемик бирликлари каторида сакибедум ифодаси салбий оттенкаси бир қадар юмшагандек, чунки шу ҳайвоннинг она тилимиздаги ифодаси анча қўпол эшитилиши билан характерланади. Бирок сак сўзига кўшилиб келаётган бедум бирлиги “қалта кийинган, очик-сочик, андишасиз, шарманда, бирок бундан оз бўлса-да уялмайдиган, ликиллоқ” маъносини бериб, дисфемик хусусиятни ўзига олади: Ана ўша лапка кўтарган **сакибедуминг** ҳам тўртта гўдаги билан хотинини кўйипти, ит эмган, энди бир татарскасига уйланар эмиш – ҳезалак! («Тошпўлат тажанг нима дейди», ДБ – 283)

Фразеологик дисфемик бирлик. Абдулла Қодирийнинг фразеологик бирликлардан фойдаланиш маҳорати салбий кайфият уйғотишда ҳам намоён бўлади. Бу алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси шаклидаги дисфемик бирликлардан таъсир кучининг жарангдорлиги, бир неча воситаларнинг ягона салбий фикрни бериши, аксарияти халқ тилида мавжудлиги билан ажралиб туради. Адибнинг тўқима фразеологик-дисфемик бирликлари сирасига турмушнинг чирик жойи, акли тушдан кейин кирган, чандир каби саккиз тарафдан тишланиб каби ифодалар киради. Шунингдек, у халқ тилида мавжуд иборалардан ҳам ўринли фойдаланган: Ёшлар, комсомоллар деб кўя қолай, бир кун Қуйлукский кўчадан намоёиш қилиб ўтуб кетаётган қизил тирноқ жамоатига: «Бу ишингиз четлар қошида кулги-ку», деган экан, ўшал он ҳалиги комсомоллардан бирави **онасини учқўрғондан кўрган**. («Яшасун кўнчилар ташкилоти», ДБ – 164) Яна, қумалоғини қака деб юрган (она сути оғзидан кетмаган, гўр), айтмаган жойга йўнмаган таёк (чақирилмаган меҳмон), боши ёрилмасдан, кўзи чикмасдан (бекаму кўст), икки қўлини бурнига тикиб каби дисфемик иборалар ҳам адиб ижодидан ўрин олган.

Сўз бирикмаси шаклидаги дисфемик бирликлар. Абдулла Қодирийнинг халойиғи бепарҳез, китик пари ўлмаган, қон ичида, ҳаром тук, жигар сўхталари, мағрур гўдак, маорифга чўл халқ каби дисфемик маъноли бирикмалари ҳам мавжуд. Уларнинг бир қисми иккинчи қисмига салбий оттенка бериш билан таъсир ифодасини оширади. Бирок айрим ҳолларда алоҳида қисми фикр нима ҳақида кетаётганлигини билдирмайдиган дисфемик бирликларни кузатиш мумкин: Мустамлакачилар «Том тепканга беш ёнғоқ – тепмаганга **қўй кумалоқ!**» деб маймун ўйнатқайлар. («Наҳс босқан экан», ДБ – 150) Қўй кумалоқ дисфемик бирикмасининг халқ нутқида мавжуд бўлган мақол таркибида йўқ тушунчасини билдириб келганлигини фақат контекст ичида англаб олиш мумкин бўлади. Чунки адибнинг нажас сиёсат, ҳукумат бўрилири,

«сайлов» сичконлари каби бирикмаларини англаб олиш учун матнга эҳтиёж сезилмайди, улардан англашилган дисфемик маъно ифодаси фақат сўз бирикмаси шаклида бўлиши тақозо қилинади.

Гап шаклидаги дисфемик бирликлар. Адиб бадиий нутқидаги айрим дисфемик маъно бутун гап орқали ифодаланади. Бундай дисфемик бирликларни гап ҳолидаги дисфемик бирлик сифатида эътироф этиш мумкин: уйи куйсин, шайтон али қоплаган, китик пари ўлмаган, ит теккан, акли қиска, онасини учқўрғондан кўрган каби дисфемик маъноли бирликлар фақат гап ҳолатида учрайдиган воситалар сифатида қайд қилинди.


Нутқ маданиятида умуман салбий таассурот қолдирувчи мақоллар санокли. Бирок адиб уларни топиб, ўз ўрнида, яна унга ишлов бериб фойдаланади: Бинобарин, ақлга «**қарға қарганинг кўзини чўқир эканми?**» деган саволлар келадир; жаноблари шу иборани қандай тушундилар экан. Абдулла Қодирий асарларида салбий муносабат кучайтирилган ҳолда ифодаланган тил бирликлари билан ўша замон сиёсати, даврнинг салбий кишиси танқид остига олинади. Гўё бу билан уларга кучли зарба берилади, ахлоқ мезонларига мувофиқлашишга – тарбияга чақирилади. Бу Абдулла Қодирийнинг айтиш ножоиз бўлган бирликларни мулоқот мезонларига мос бериш билан бирга, унга муносиб «тўн» ҳам кийдириб, баъзан кесатик, пичинг, киноя ёрдамида дисфемик бирликлардан фойдалана олганлигида кўринади.

Адибнинг очик ифода этилиши мулоқот хулқига тўғри келмайдиган тушунчаларни салбий бўёкли бошқа воситалар билан қўллаган ҳолатлари кўзатилади. Фикримизча, бу контекстда дисфемизм сифатида намоён бўлади. Бирок адибнинг вокелик, шахс ёки нарса ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиш, шунингдек, ўқувчида кучли таассурот қолдириш ҳамда ўзининг муносабатини очик намоён қилиш мақсади дисфемизмлардан ўринли ва унумли фойдаланишини таъминлайди.

Адиб аксарият ҳолатларда салбий қахрамон образини тавсифлашда дисфемизмлардан фойдаланади. Асарнинг биринчи бўлимида Ҳомиднинг Раҳмат Қумуш тўғрисида сўз очган вақтдаги ҳолатини қуйидагича баён этади: 1) ...бир турлик вазиятда ер остидан жиянига қаради... 2) ...Ҳомид уни ер остидан таъқиб этар эди... **Таъқиб қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) Диккат билан кузатмоқ. Эрталабки чой хозирланган. Отабек ҳомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди[4]. Кўринадики, бу ерда бирор салбий ифода мавжуд эмас. Аммо унга қўшиб айтилаётган ер остидан сўз бирикмасида маълум маънода бузғунчилик, ғараз ниятлилик мулоҳазалари яширингандек. Қолаверса, айнан Ҳомид салбий образ бўлганлиги учун, ҳар бир ҳаракати ўқувчида салбий таассурот қолдираверади. Шунингдек, кузатмоқ сўзига нисбатан олинганда, мазкур бирликнинг дисфемик киймати янада ортади. Шу жумла ижобий образга нисбатан қўлланилганда бундай ҳолатга дуч келмаймиз: Эрталабки чой

хозирланган, Отабек хомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини **таъқиб этмоқда эди**. Ёки ҳолис вазият ёритилаётганда ҳам ўз маъносида, яъни бўёқсиз шаклда учратамиз: Ўз оғзидан эшитканимиздек Содик уни, Ҳомиднинг таълимотича, Қўкон

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг 1926 йил 15-17 июнда бўлиб ўтган судда сўзлаган нутқининг “Некалай **тахтдан йиқилган**дан кейин оддий халк милитсасига кўнгилли бўлуб ёзилдим” жумласидаги “тахтдан йиқилди” ибораси, дастлаб “лавозимдан



дарбозасидан чиқиб то карвонларга қўшилиб олгунча **таъқиб этиб** борган эди.

Сиёсий тушунчаларни эвфемалаштириш узок тарихга эга бўлиб, ўзбек тилида жуда фаол қўлланган кўпгина сиёсий воқелик ва тушунчалар маълум сабабларга кўра тўғридан-тўғри айтилмасдан эвфемалаштирилган. Аммо халк орасида ўша даврда сиёсатга қарши йўғрилган фикр мулоҳазалар давлат, давлат арбоблари номи дисфемалаштирилганлигини кўрамиз: Жамоат бирор фойда-зарарни ажратувчини сайловга қарор берса, дарров ҳукумат ва **ҳукумат бўрилари** сапчийдилар (“Шодмарг”). Негаки, иш домланинг фойдасига куморила бошлаган, янги оқ подшоғ вақтида домлаларимизга ўхшаган “**сайлов**” **сичқонлари** учун ҳар қанча иш қилса, майдон очик эди (“Тинч иш”).

(МЧ – 222)

кетди” бирикмасининг эвфемаси бўлган, сўнгра эвфемик характери йўқотган ва моҳиятан дисфемага яқинлашиб қолган. Бу бирикма айни жумлада фақатгина ёзувчи нутқий маҳоратининг гўзаллигини сақлаб туриш учунгина ишлатилган. Аммо шундай, аввал эвфема, сўнгра дисфемалашган (кесатик, киноя маъноларидаги) иборалар адиб ижодидан анчагина ўринни олган.

Хулоса. Маълум бўладики, Қодирий нутқида қўлланган дисфемизмлар шаклан хилма-хил бўлиб, улар сирасида лексик сатҳга мансуб бириклар билан биргаликда, синтактик сатҳга дахлдорлари ҳам учрайди. Бу эвфемик маъно каби дисфемик маъно ифодаловчиларининг ҳам қамрови кенглигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс.автореф. — Тошкент, 2002. — Б.31-39; Бобониезов А. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол.фанлари номзоди...дисс. — Тошкент, 1995; Норматов У. Қодирий боғи. — Т., : Ёзувчи, 1995; Каххарова Х. Фразеология Абдулла Кадыри: Автореф. дисс...канд. филол.наук. — Т., 1985; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди...дисс. — Т., 2006; Джалолова Л.О. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дисс...автореф. — Т., 2007.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М.: Сов. энциклопедия, 1969. — 137 с.

3. Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и прагматические функции: Автореф...дисс. канд. филол. наук. — Санкт-Петербург, 2008. — С. 20.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 60 000 сўз ва сўз бирикмаси. 2-том / С.Ф.Акобиров, Т.А.Аликулов, С.И.Ибрагимов и др.; З.М.Маъруфов таҳрири остида. — М: Русский язык, 1981. — Б. 144.